



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ
Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 144 (9.182)

1998 йил

5 декабрь, шанба

Сотувда эркин нархда

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кuni

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон ўз Конституциясининг 6 йиллигини ҳаёнда обрўси ортиб борайтган ва таъриба тўплаган давлат сифатида қарши олмақда.

Шуниси эътиборга лойиқки, шу даврда Конституциямиз давр синовидан ўтди. Мана шу йиллар ичида давлатимиз ҳаётининг барча соҳаларида — жумладан иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги ислохотлар бевосита Конституция асосида қабул қилинган Қонулар орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг ўз Конституциялари билан фахрланайдилар. Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек «Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан Конституция миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир». Шу боисдан Конституциямизнинг мустақил давлатимиз учун аҳамияти бекиёсдир. Конституциямизнинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан у демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мўжассам этган. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққи топган давлатларнинг тарихий таърибасига таянган ҳолда яратилган. Унда фуқароларнинг миллати, дини, ирқига қараб ажратишга қаратилган сўз йўқ. Барча фуқароларнинг тенглигини эътироф этди (18-модда), шунингдек, Конституциямиз умуминсоний ҳолат — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик каби ғояларга хизмат қилди. Конституциямизнинг тарихий аҳамияти яна шундаки, унда давлатимиз иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллариغا, хусусан, хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркорликка, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларига ўтиш таъкидланган. Конституциямизнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган томонларидан яна бири - Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъекти деб таъкидланганлигидир. Бундан ташқари, Конституциямизда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳам асослари мавжуд бўлиб, унинг бир қатор белгилари Асосий Қонунимиз моддаларида намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда бўлсақ, Конституция — Ўзбекистон келажagini, унинг тараққиётининг асосий принципларини белгилаб берувчи, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи Асосий Қомусимиздир.

Ҳамид ҲАҚНАЗАРОВ, ҳуқуқшунос.


БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР

«Пульс-Бах» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари йил бошида мрамар кўкунидан тайёрланган стол ва стулларни ишлаб чиқаришни синаб кўришган эди.

Дастлабки маҳсулот моделини ўзгартириб керакли жойларда чикариши кўришди. Тадбиркорлар қисқа муддат ичида 40 комплект шундай стол-стуллар йиғмасини ишлаб чиқарди. Келгуси йил бошидан ошона мебеллар ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома асосида иш юритишни режалаштириб қўйишди.

металлдан, ранглари ва ҳажми буюртмачининг талаби асосида бўлади. Тадбиркорлар қисқа муддат ичида 40 комплект шундай стол-стуллар йиғмасини ишлаб чиқарди. Келгуси йил бошидан ошона мебеллар ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома асосида иш юритишни режалаштириб қўйишди.

Гулбахор МҮМИНОВА.



ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов ҳамда ушбу компания вице-президенти Джеван Чедоянни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан «Лукойл» компанияси ўртасида ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- Кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг Санъатшунос институтида «Ўзбекистон буюк келажак сари» деб аталувчи суратлар кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан Конституциямизнинг олти йиллигига бағишланган ташкил этилди.
- Кеча Олий Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллик санасига бағишланган Тошкент Давлат юридик институти талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.
- «Жамият, инсон ва ҳуқуқ» — Тошкент Давлат аграр университетидан ана шу мавзуда Конституция кунига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Бугун пойтахтдаги мустақам «Туркистон-саройда» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди.
- Кеча «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида ўтказилган унчики халқаро учрашув Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 50 йиллигига бағишланди.
- Янгиёил шаҳрида ногирон болалар учун Тошкент вилояти Қўзил Ярим Ой жамияти, Испания Қўзил Хок қўмитаси ҳамда Голландия ҳамкорлигида тиббий-ижтимоий марказ очилди.
- Тошкентда Венгриянинг «Гедсон Риктер» кимё заводи акциядорлик жамиятининг янги дори-дармонларига бағишланган оилавий поликлиникаларнинг врачлари учун семинар ўтказилди.
- Чехиянинг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчисининг рафиқаси Элеонора Колеца «Муруват» меҳрибонлик уйда бўлиб, болаларга телевизорлар, ўйинчоқлар ва ширинликлар совға қилди.
- Зарафшон шаҳрида Навоий қоматаллургия қўмитасининг 40 йиллигига бағишланган ўқувчи ўртасида бек бўйича халқаро мусобақа ниҳонсига очилди. Унда навоийлик ёш боксчилар катта муваффақиятга эришилди.

ЖАҲОНДА

- Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат ташқи ишлар вазирига Дниестр вилоят муаммоларини изга солиш бўйича савий-ҳаракатларни фаоллаштиришни топширди.
- Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ҳукуматда кадрлар ўзгаришини ўтказди.
- Туркия сўл демократик партиясининг раиси Бюлент Эджевит Туркия Бош вазирлиги эътиборини қўйди. У янги ҳукумат тўзишга киришди. Туркия Президенти Сулаймон Демирал унга бу ишни топширди. 73 ёшли янги Бош вазир ҳукуматни учинчи марта бошқармоқда.
- Кеча Москвага амалий ташриф билан келган Ўзбекистон кўрсатилгани бўйича махсус комиссияси раиси Ричард Батлер Россия ташқи ишлар вазирлиги Игорь Иванов билан учрашув йиғилишида вазиетини муҳокама қилди.
- Маълумки, 1 декабрда Грузиядаги лавозимдаги шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги декларацияларини тўлдирish мuddати ниҳонсига етди. Махсус рўйхат асосида аниқланган 500 нафар амалдор ана шу декларацияларини тақдим этишлари керак. Грузия Президенти, парламент раиси ва Давлат вазирли даромадлар тўғрисидаги маълумотларини тақдим этишлари. Ҳозирча ички ишлар, давлат хавфсизлиги ва молия вазирлари даромадлари ва мулклар тўғрисидаги декларацияларини тақдим

ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАНЛАР ОЧИЛДИ

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

КЕЧА
Конституциямиз қабул қилинганлигининг 6 йиллиги арафасида Тез тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳар клиник касалхонасида жарроҳлик мажмуи очилди.

Тиббиёт масканининг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров янги масканнинг ишга туширилиши мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг ҳаётда ўз аксини топа бошлаганига далолат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Султонов замонавий талабларга жавоб берувчи мазкур жарроҳлик мажмуи юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга мослаштирилгани ҳақида гапирди. Марказий тезкор қабул бўлими, эндоскопик хизмат, рентгенология ҳамда

Худди шу кунги Ҳамза туманида шаҳар Диагностика марказининг янги биноси тантанали равишда очилди. Бу ерда бешта бўлим фаолият кўрсатади. Булар: клиник диагностика, функционал таъхис, ультратовуш ва эндоскопик текширув, нурли диагностика, клиник маслаҳат бўлимларидир. — Марказимизга ўрнатилган тиббий асбоб-ускуналар асосан Англия, Япония, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Швейцария, Австриянинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган, — дейди марказ директори Дилфуза Фуломов. — Улар энг замонавий усулларда ишлайди. Хусусан бу аппаратларнинг баъзилари бир дақиқада 120 хилгача иш кўрсата олади. Айримлари хаттоки уч кунлик ҳомилани ҳам аниқлайди.

Хозирги пайтда марказимизда 60 дан ортққ тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Кейинчалик хизмат кўрсатиш икки сменада ташкил этилади. Марказ нафақат касалликни аниқлаб бериш, балки келажакда шифокорларни ўқитиш, малакасини ошириш билан ҳам шуғулланади. Бу ерда бир кунда 250, бир йилда эса 300 минг беморни текшириш, ташхис қўйиш мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида шаҳар ва туман фаоллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди. Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ, СУРАТЛАРДА: Диагностика маркази ва жарроҳлик мажмуини фойдаланишга топшириш пайти. Рашид Галиев олган суратлар.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕХМОНЛАРИ!

Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан шу йил 8 декабрда пойтахтдаги Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи мажмуи, Алишер Навоий номидаги академик театр олди майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Шоирлар хиббони, Мирзо Улуғбек майдони, Янги Сергели боғида Тошкент шаҳрининг энг яхши профессионал ва бадий хаваскорлик жамоалари ўз байрам концерт дастурларини намойиш этадилар. Бу ерларда байрам концертлари эр்தалаб соат 10 дан кечкурун 18 гача давом этади. Ташкилий қўмита.

ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида бошқарув аъзолари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «соғлом авлод учун» жамғармасининг 1993—1998 йиллардаги ва жамғарманинг фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари бўйича 1998 йил 11 декабрда ўтказилган ҳисобот-сўз конференциясида шаҳар бўлимининг Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси конференциясида делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилиш қатнашчиларининг ақидилик билан қўллаб-қувватлашлари натижасида ҳамда уларнинг тақдир ва мулоҳазалари инобатга олиниб жамғарманнинг шаҳар бўлими бошқаруви аъзоларидан ўн нафари конференцияга делегат қилиб сайланди. Делегатлар 1998 йил 11 декабрда ўтказилган Республика конференциясида иштирок этадилар. Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Анжуманлар

ОИЛА, АЁЛ, ТАДБИРКОРЛИК

Собир Рахимов туманидаги «Гузр-боши» маҳалласида Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан Оила йилгига бағишланган «Оила» бюджетини ошириш ўз қўлимизда, тадбиркорлигимизда» деб номланган кўргазма амалий дaвpa суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди ҳисобланган Бизнес-фондинг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман давлат солиқ инспекцияси ва бандлик хизмати, тумандаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи оила ва корхоналар вакиллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси раислари қатнашдилар.

Даврада сўзга чиққанлар ҳозирги вақтда сафлари 3000 кишига етган тадбиркор аёллар уюшмасининг имкониятлари, унинг хотин-қизларнинг малакасини ошириш бўйича қилаётган ишлари, бу борада Германия тадбиркорлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг дастлабки натижалари, тадбиркорларга кредитлар бериш имкониятлари, кенгайтириш, шунингдек тажрибалар, тадбиркор аёлларни ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликдаги тажрибаларни кенг тарғиб қилишга эътиборни қаратдилар.

Давра суҳбатига ташриф буюрганлар учун оилавий хунармандчилик ва мактаб ўқувчиларининг қўшимча таълим мажмуи доирасида тайёрланган халқ хунармандчилиги намуналари, санъат асарлари намойиш қилинди. Тадбир сўнггида халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ажратилган кимматбоҳо совғалар, шунингдек туманда истикомат қилувчи ҳам таъминланган, қўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларга 3000 сўмдан ҳисоб очилган омонат дастурчалари топширилди. Даврон ИСАЕВ, Хусан НАЗИРОВ.

Жамғармалар

Мана, орзикиб кутилган тўрт йил вақт ўтиб Таиланднинг пойтахти Бангкок шаҳрида Осиё китъасидаги энг нуфузли спорт мусобақалари — XIII Осиё ўйинлари ҳам бошланмоқда. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия кўмитасининг президенти Собиржон Рўзиёв билан суҳбатимиз ҳам спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига тайёргарлиги, ушбу халқаро мусобақаларнинг дастури, жамоамиз хомийлари хусусида бўлди.

эшиш турлари бўйича республикамиз спортчилари олтин нишонларни қўлга киритиш учун энг юқори имкониятларга эгадирлар.

— XIII Осиё ўйинлари спортчиларимизнинг 2000 йилги Сиднейдаги олимпиада ўйинларидан олдин энг охири ва муҳим тайёргарлик босқичларидан бири бўлса керак?

— Албатта. Спорт мусобақаларининг чўққиси ҳисобланмиш олимпиада ўйинларига мана шундай йирик мусобақаларда тобланган, таҳриба ортирган ҳолда тайёрланиш энг мақбул усулдор. Дарҳақиқат, Таиланддаги XIII Осиё ўйинлари ва келаси йили Бишкекда ўтадиган учинчи Марказий Осиё ўйинлари Сиднейдан олдин бизнинг энг асосий тайёргарлик босқичларимиз қатори-

зишди. Велоспортчиларимиз — Малайзияда, сув полони усталари — Москвада, байдаркада эшак эшувчиларимиз — Сингапурда, чим хоккейчи қизларимиз — ҳам Бангкокда ўзларининг охири тайёргарликларини ўтказишди.

Спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига етарли тайёргарлик кўришлари ва иштирок этишларини таъминлаш борасида хомийларимизнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзтадбиркорбанк», Бекобод металлургия заводи, «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти, «Кока колеа ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси, «Газалкент вино заводи» қўшма корхонаси, «Коском» қўшма корхонаси, «Хуросон ЛТД» корхонаси, «Агротек» фирмасига берган кўмакларини учун миннатдорчилик билдираман.

Осиё ўйинларида иштирок этувчи спортчилар учун кийим-кечаклар ва анжумларни олимпия кўмитамиз Малайзиянинг «Адмирал» фирмасидан харид қилди.

— Албатта, Осиё ўйинларида бевосита мусобақалардан ташқари турли-туман анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилса керак?

— Шубҳасиз, Осиё ўйинлари доирасида ўтказилган энг йирик анжуманлардан бири, бу — 8-10 декабрга мўлжалланган Осиё олимпия кенгашининг ассамблеяси. Бошқа давлатлар қатори унда биз ҳам иштирок этамиз. Унда миллий олимпия кўмиталари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоб берадилар, 2000 йилдаги Сидней Олимпиадаси, 2002 йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларига қандай тайёргарлик кўриляётгани муҳокама қилинади. Бундан ташқари, байдаркада эшак эшиш, бокс, кураш, синхрон сузиш, спорт гимнастикаси, оғир атлетика, сузиш каби спорт турлари бўйича ҳам ассамблеялар ўтказилади, ҳакамлар кенгаши ташкил этилади.

Ҳар бир олимпиада ва Осиё ўйинларидаги хайрли анъаналардан келиб чиққан ҳолда турли кўргазмалар, Олимпия музейлари фаолият кўрсатади. Энг яхши санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Биз ҳам Осиё ўйинларида Ўзбекистон кунлари ўтказишни режалаштирялмиш. Унга турли давлатларнинг миллий олимпия кўмиталарининг раҳбарларини таклиф этамиз. Ўйлаймики, бу Ўзбекистон ва Осиё давлатлари спорт ташкилотлари ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Бош муҳаррир Акмап АКРОМОВ

XIII Осиё ўйинларига

ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШАДИ



— Собиржон Собитович, айтгинчи, Таиландда нечта спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади ва бизнинг спортчиларимиз уларнинг қанчасида иштирок этишади?

— Осиё ўйинларининг тўла дастури 36 та спорт туридан иборат бўлиб, уларнинг барчасида қатнашувчи мамлакатлар делегацияси 800 кишидан ташкил топади. Хитой, Таиланд, Япония, Корея мамлакатлари барча спорт турларида қатнашмоқдалар. Ҳаммаси бўлиб эса Бангкокда 44 та Осиё давлати ўзаро куч синашади. Энди Ўзбекистон жамоасига келадиган бўлса, делегациямиз таркиби 246 кишидан иборат бўлиб, шундан 188 нафари спортчилардир. Биз бу гал 23 та спорт турлари бўйича мусобақаларда иштирок этаймиз. Нимага деганда, мақсадимиз асосан галаба қозониш ва совринли ўринларни эгаллашга имкониятлари етарли спортчиларнинг маҳоратларини кўрсатиш, уларга таяниш, иложи борича кўпроқ совринли ўринларни банд этишдир. Чунинчи, ўз имкониятларимизни тошу-тарозига солиб чамалаб кўрган ҳолда Таиландда камида 45 та совринли ўринларни эгаллашимиз мумкинлигини мўлжал қилдик. Юнон-рум кураши, эркин кураш, дзюдо, велоспорт, мерганлик, энгил атлетика, байдаркада эшак

га киради.

— Таиланднинг Осиё ўйинларини ўтказишга қай даражада тайёрлиги тўғрисида нималар дея оласиз?

— Мен май ойида Таиландда бўлдим, олимпия кўмитамизнинг яна бир вакили эса у ердаги иншоотлар билан танишиб кунга кеча қайтиб келдим.

Шуни айтиш керакки, Таиландда Осиё ўйинларини ўтказиш учун катта тайёргарлик қўрилди. Барча спорт иншоотлари замонавий талабларга жавоб беради. Уларни кўздан кечирган экспертларнинг хулосалари ҳам шундай. Ўйинларда иштирок этадиган ҳар бир давлатга Бангкокдаги спорт иншоотлари, спортчилар учун яратилган шарт-шароитлар акс эттирилган видеокассеталар юборилди. Барча спортчилар мусобақалар пайтида жуда чиройли бунёд этилган олимпия қишлоғида яшашади.

— Спортчиларимиз Осиё ўйинларига қандай тайёргарлик кўришди, жамоамизга кимлар ҳомийлик қилишмоқда?

— Футболчиларимиз Таиланд, Хитой, Ҳиндистонда ўқув-машқларини ўтказишди ва ўртоқлик учрашувларида иштирок этишди. Улар Қибрайдаги ўқув-машғулот базасида охириги йиғинларни ўтказишди Бангкокка йўл олишди. Энгил атлетикачиларимиз Бангкокдаги Осиё олимпиада мусобақаларида ўзларини яна бир катта синовдан ўтқа-

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОЧИҚ ТУРДАГИ «TOSHKENT SAHAR TELEFON TARMOG'1» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АБОНЕНТЛАР, КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА ШУНИ БИЛДИРАДИКИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНЛАШТИРГАН КВАРТИРАЛАРГА КЎЧИБ ЎТИШЛАРИ, ШУНИНГДЕК КОРХОНАНИНГ НОМИ ЎЗГАРГАН ҲОЛДА АБОНЕНТ НОМЕРИНИ ЯНГИ ЭГАСИ НОМИГА ҚАЙТА ДУЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ИШНИ БИР ОЙ ИЧИДА АМАЛГА ОШИРИШ ПОЗИМ.

Корхоналар, хусусий шахсларга бинолар, квартиралар ижарага берилганида телефонни қайта расмийлаштириш мажбурийдир.

Ҳиссадорлик жамиятининг раҳбарияти огоҳлантиради: абонентлик рақами эгасига тегишли бўлмаган тақдирда телефоннинг ушбу рақами ўчирилади ва эгалари абонентлик қарзларини мажбурий тарзда узадилар.

Аризалар билан ҳиссадорлик жамиятининг филиаллари (телефон алоқаси узеллари)га мурожаат қилинг, халқаро, шаҳарлараро сўзлашувлар учун абонентлик тўлови бўйича мавжуд қарзларингизни узинг.

Қайта расмийлаштиришга тариф бўйича ҳақ тўланг ва телефондан қонуний асосда фойдаланинг.

Очиқ турдаги «TOSHKENT SAHAR TELEFON TARMOG'1» ҳиссадорлик жамияти.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИНИНГ ЭНЕРГИЯНИ СОТИШ ХИЗМАТИ МАИШИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Йил якунлари бўйича Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси мукофотлар ютуқларини ўтказди.

Унда сизнинг истеъмолчилик китобчангиз шахсий ҳисоб рақамларидан фойдаланилади.

Сиз лотерея билетлари харид қилиш учун пулингизни сарфламайсиз! Агарда сиз электр қувватидан фойдаланганлик учун ўз ҳисобларингизни вақтида ва батариб тўлаб борган бўлсангиз рангли телевизор, видео ёки аудиоманитофоннинг соҳиби бўлишингиз мумкин!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг энергияни сотиш хизмати. Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.

1998 йил 10 декабрдан 20 декабргача ҲҚХҚ минтақавий ваколатхонаси томонидан «ИЛҲОМ» театрида фотосуратлар кўргазмаси ўтказилади.

«Одамлар ва уруш» кўргазмасининг очилиш маросими 1998 йил 10 декабрда, пайшанба кунини бўлиб ўтади. 11 декабрь жума кунидан 20 декабрь якшанба кунигача кўргазма кенг оммага бепул кўрсатилади.

Кўргазма манзили: «ИЛҲОМ» театри, Тошкент шаҳри, Пахтакорлар кўчаси, 5. Ҳар куни 11.00 дан 17.00 гача.




INTERCONTINENTAL COMMERCE CORPORATION

Washington D. C., U.S.A.

World Wide

PROJECT DEVELOPMENT - INVESTMENT & FINANCE

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ва бутун
халқини Конституция кунини
билан муборакбод этамиз,
мамлакатингиз равнақ
топиши ва гуллаб-яшнашига
тилакдошимиз.**



**Президент
И. Ж. Миллер**

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

**Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

**Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.**

*Душанба, горшавба
ва ҳуна
кўчлари тўқди.
Ҳафт кўрсатиш
209*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.